

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Рафиқов, А.Сотволдиев

Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала 5

И.Неъматов, С.Кукиева

Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш 11

М.Азизов, С.Рустамова

Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи..... 13

КИМЁ

А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти..... 17

Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков

Глициррининг кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш 21

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Максудов

“Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари 24

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

И.Зокиров, С.Исроилжонов

Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Н.Рахмонов

Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари 31

М.Мўйдинов

Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари..... 35

ТАРИХ

Б. Усмонов

XV асрнинг 70-йилларида Фарғона 39

Н.Режаббоев

Наманган уездига “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти 43

А.Нурматов

XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида)..... 49

М.Мансуров

Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари 55

Х.Юнусова, У.Усаров

Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аъналарини ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 58

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев

Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари 62

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

М.Мўйдинов

Аннотация

Мақолада АСМда самарадорликни оширишнинг муҳим усулларида бўлган кластерлар тўғрисида фикр юритилиб, унда АСМ соҳасига тааллуқли бўлган кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини қайта ташкиллашда кластернинг роли, аҳамияти ва хусусиятига доир масалалар баён қилинган.

Аннотация

В статье рассматриваются кластеры, являющиеся одним из важных способов повышения производительности в агропромышленном комплексе. В ней изложены особенности, роль и значение кластера в реорганизации деятельности малых и средних предприятий агропромышленного сектора.

Annotation

The article discusses about the clusters, which are important ways to increase productivity in the agro-industrial complex. As well as peculiarities, the role and importance of clusters in reorganization of the activities of small and middle enterprises in the agro-industrial sector are highlighted.

Таянч сўз ва иборалар: кластер, АСМ, кичик ва ўрта бизнес, рақобат, самара, менежмент, қишлоқ хўжалиги.

Ключевые слова и выражения: кластер, АПК, малый и средний бизнес, инновация, конкуренция, эффект, менежмент, сельское хозяйство.

Key words and expressions: cluster, AIC, small and middle business, competition, effect, management, agriculture.

Маълумки, агросаноат мажмуаси иқтисодиётда жуда муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, ҳар қандай мамлакатда ҳукумат бу соҳага катта эътибор бериб, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун ташкилий-иқтисодий чораларни амалга оширади. Агросаноат мажмуасида давлат сиёсати ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида ўзига хос тус олади. Бу нарса ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир босқичида унинг хусусиятларидан келиб чиқиб шаклланади. Ҳозирги даврда республикамиз агросаноат мажмуасини ривожлантиришда мамлакатимиз учун инновацион характерга эга бўлган кластерлардан фойдаланиш зарурлиги мавжуд. Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ушбу усули ривожланишнинг ҳозирги босқичи тақозоси бўлиб, соҳада юқори меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди. Бу усулда турли соҳа ва тармоқларга мансуб бўлган, лекин ўзаро боғлиқ ва яқин жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрий равишда бир-бирлари билан бир тузилмага бирлашадилар.

Бирлашиш иштирокчиларга қуйидаги асосий мақсадларга эришишга кўмаклашади:

-кластер корхоналари доирасида ишлаб чиқарилаётган ва сифати ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган товар ва хизматларга бозор талабини мунтазам равишда қондириш;

-материалларни харид қилишда миқёс (кўлам)дан самара олиш;

-персонални ўқитиш, бозорни тадқиқ қилиш ҳамда логистик ва технологик тадқиқотларни таъминлаш;

-фаол маркетингни амалга ошириш ва инновация сиёсати асосида маҳсулот сотишнинг янги бозорларини қамраб олиш;

-кластер имиджини шакллантириш асосида молиявий ва кредит муассасалари билан барқарор алоқаларга эришиш.

Кластерлар иштирокчилари фаолияти ишонч принципига асосланган бўлиб, мунозара баҳсли масалаларни ҳакамлик суди орқали ҳал қилувчи уюшмадир. Унда умумий мулкдор йўқ, аъзолик эса ихтиёрий. Барча иштирокчилар кучли брендни яратиш устида ишлайдилар, уларнинг маҳсулоти минтақада мавжуд бўлганларига қараганда, ҳар доим сифат жиҳатидан юқори бўлиши керак (бу эса рақобатда манфаатдорликни рағбатлантиради). Кластернинг иқтисодий самарадорлиги - ишлаб чиқаришни қайта тақсимлаш, трансакция харажатларини камайитириш, кўламдан, миқёсдан тежашдир. Минтақада кластер корхоналарини барпо қилиш бешта асосий босқичдан иборат: потенциал иштирокчиларни тарғибот қилиш ва қизиқтириш; умумий стратегияни ишлаб чиқиш; пилот лойиҳаларини тузиш; стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш; ўз-ўзини тартибга солиш босқичи. Биринчи босқич ўз ичига бизнес иштирокчиларига кўмаклашадиган ташаббуслар тўпламини олади: бизнесда ўхшаш муаммоларга дучор бўлган ва улардан азият чекаётган кичик

М.Мўйдинов – ФарДУ иқтисодиёт йўналиши талабаси.

ва ўрта корхоналар “критик массасини аниқлаш”; улар томонидан кластер афзалликларини тушунишларига эришиш; бирлашиш тарафдорлари гуруҳини иш бўйича хатти-ҳаракатларини шакллантириш. Содда кўринишда ўзаро бир-бирини ўрганиш жараёни эҳтимоли бўлган нохуш ҳолатларни юмшатиш ёки олдини олишга қаратилган лойиҳаларни синаш асосида маҳаллий бизнес вакиллари билан ўзаро ҳаракатнинг бошланишини кўзда тутати. Бир-бирига ўзаро ишонч даражасининг ошиб бориши билан бўлажак кластер иштирокчиларида аста-секин хавфли даражаси юқори бўлган лойиҳаларга ўтиш бошланади. Бу даврда ташаббускор (ёки тармоқ брокери ёхуд маҳаллий маъмурият вакили) барча манфаатдор шахслар билан оммавий ва катта кўламга эга бўлган учрашувлар ўтказилади. Бунда бизнесни тармоқ усулида ташкиллаш афзалликлари ва уни эҳтимоли бўлган хавф - хатари аниқланади. Ушбу акция (тадбир)лар натижасида долзарблиги ҳар бир тадбиркор томонидан англандан ғоя атрофида бирлашиш хоҳиши билдирилади. Ўз-ўзидан равшанки, мақсадни англашдан ва ўзаро ҳаракат қилишдан ташқари гуруҳ иштирокчилари сонига чекловлар йўқ. Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, фирмаларнинг яқин жойлашганлиги ва иштирокчиларнинг пировард сони тармоқни ташкил қилишда харажатларни камайтиришга кўмаклашади.

Иккинчи босқич. Ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатишга тайёр бўлган тадбиркорлар гуруҳи шаклланиши биланоқ кластер корхоналари стратегиясини ишлаб чиқишга киришиш зарур, у, энг аввало, қуйидагиларни фарз қилади: умумий муаммолар ва имкониятлар таҳлили. Кластерга кирган корхоналар алоқалари тузилмаси ва ягона иш режасини шакллантириш. Бу босқичда гуруҳнинг барча иштирокчилари муаммоларини синчковлик билан таҳлил қилиши ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашлари зарур, чунки тадбиркорлар мустақил равишда бундай таҳлилга етарли даражада эътибор бермайдилар, чунки улар асосан бизнеснинг жорий масалалари билан шуғулланидилар. Кластер доирасидаги фаолият эътиборни кўпроқ истиқбол масалаларига қаратиши керак ва бу масалалар режани шакллантиришда муҳим вазифа сифатида қабул қилиниши керак. Шу нуқтаи назардан кластер доирасидаги иштирокчилар ҳаракати кўпроқ стратегик характерга эга бўлади ва шундагина кластерни барпо қилишдан олдига қўйилган мақсадга мувофиқ ҳаракат амалга оширилиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, кластер алоҳида хўжалик юритувчилар фаолиятини бир-бирига мувофиқлаштириш ва уларнинг умумий

ҳаракатидан синергетик самарага эришишни кўзда тутати. Бундан самарага эришиш фаолиятнинг ҳам сифат, ҳам миқдор кўрсаткичларини яхшилаш натижасида юз беради. Чунки кластер доирасида иштирокчилар бир-бирини яхшироқ, кўпроқ тушунади ва шунга мувофиқ улар фаолиятларини ўзаро самаралироқ бириктириш имкониятига эга бўладилар. Бунинг натижасида ўзаро муносабатда ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш ва бир-бирига кўмаклашиш элементлари пайдо бўлади. Бу шунга олиб келадиги, илгари тарқоқ ҳолатда мавжуд бўлган хўжалик субъектларини энди манфаат бирлаштиради, бу нарса иқтисодий фаолит ва тараққиёт учун энг муҳим нарсасидир. Шулардан келиб чиқиб, гуруҳ ўзининг юридик мақомини аниқлайди ва ички ташкилий принципларини шакллантиради.

Учинчи босқич. Пилот лойиҳа босқичида реал шароитда ташкил қилинган кластер ичида ўзаро ҳаракат технологияси синаб кўрилади. Бундай лойиҳаларда кўрғазмалар ярмаркаларни биргаликда ташкил қилиш, хом-ашёни биргаликда харид қилиш ва маҳсулотнинг умумий каталогини тайёрлаш ва шунга ўхшаган масалалар бўлиши мумкин. Пилот лойиҳалар бир томонлама қисқа муддатли даврда корхоналар кластери самарадорлигини кўрсатишда ва, бошқа томондан, шаклланаётган кластер иштирокчиларини узоқ муддатли ҳамкорликка руҳлантиришга қаратилган.

Тўртинчи босқич. Лойиҳаларни синаб кўришни муваффақиятли амалга ошириш кейинги босқичга ўтишга йўл очади, яъни кластерда зарур даражадаги ихтисослашув ва меҳнат тақсимолига эришишга имкон берадиган стратегик характердаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш. Шунингдек ушбу босқичда ресурсларни бирлаштириш, янги корхоналарни барпо этиш, оригинал технологияларни жорий қилиш ва кластер учун умумий равишда локал брендларни тайёрлаш эҳтимоли мавжуд.

Бешинчи босқич. Якуний босқичда корхоналар кластери зарур даражадаги мустақиллик даражасига кўтарилади, бунда уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш долзарб бўлмай қолади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кластерларни шакллантиришда ички рақобатни бартараф қилиш ҳисобига синергетик эффектга эришилади, деган хато фикр мавжуд. Аксинча, кластерга кирган корхоналар ўртасида рақобат кўпинча анчагина жиддий бўлади. Лекин бу, инфратузилмани биргаликда барпо қилишга, етказиб берувчилар билан ўзаро ҳаракатга киришишга, янги бозорларга чиқишга тўсиқ бўлувчи омил бўлмайди. Инновацион кластер рақобатбардошликнинг юқори даражасига эришишнинг энг самарали шакли бўла туриб, ўзида турли хил ташкилотлар хатти-

ИҚТИСОДИЁТ

ҳаракатларини норасмий бирлашмасини (саноат компаниялари, тадқиқот марказлари, индивидуал тадбиркорлар, давлат бошқарув органлари, олий ўқув юртлиари, жамоатчилик ташкилотлари ва ҳоказолар) ифода қилади. Вертикал интеграция асосида инновацион кластерга бирлаштириш турли-туман технологик ихтироларни ўз-ўзидан мужассамлашувини шакллантирмайди, балки янги билимлар, технологиялар ва инновацияларни тарқатишнинг жиддий йўналтирилган тизимини англатади. Бунда кластернинг барча иштирокчилари ўртасида барқарор алоқалар тармоғини шакллантириш, ихтироларни инновацияларга самарали трансформация қилишнинг, инновацияларни эса рақобатда афзалликларга айлантиришни муҳим шарт бўлади. Инновацион фаолият кластерлари бир нечта фирма ёки тадқиқот институтлари ҳаракатлари билан янги маҳсулот ёки хизмат яратади, бу нарса уларни ишбилармонлик бўйича ўзаро алоқалари орқали тарқалишини жадаллаштиришига имкон беради. Кластернинг инновацион тузилмаси тадқиқотга ва янгиликларни ишлаб чиқишга (уларни кейинчилик тижоратлаштириш билан бирга) ялпи харажатларни камайтириш имконини беради. Бунга кластерни ишлаб чиқариш технологик тузилмасининг юқори самарадорлиги ҳисобига эришилади. Бу кластер иштирокчиларига узоқ вақт давомида инновацион фаолиятни барқарор амалга оширишга имкон беради. Энг муваффақиятли кластерлар ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси соҳасида жадал ривожланиш кутилаётган жойда шаклланади. Бунда янги бозор қисмларига чиқиш ҳам муваффақиятли бўлади. Шу муносабат билан кўпчилик мамлакатлар ўзларининг миллий инновацион дастурларини шакллантириш ва тартибга солишда кластер ёндашувидан тобора фаолроқ фойдаланишмоқда. Қишлоқ хўжалигини тўғридан-тўғри бюджет ҳисобига қўллаб-қувватлаш етарли даражада амалга оширилмаган ва у маҳсулотга дотация, алоҳида харажатлар, кредитларни компенсация қилиш ва ижтимоий дотация кўринишида ифодаланган. Амалда қўлланилаётган чораларнинг асосий камчилиги тўловларнинг тўлиқ эмаслиги ва ўз вақтида амалга оширилмаганлигидир. Бунда кластер типидagi агросаноат тузилмаларини барпо қилиш зарурлиги аниқ белгиланган, уларда инвесторлар риси камайтириш ва суғурталаштиришнинг янги шакли қўлланилиши мумкин. Кластерларни барпо қилиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки етиштирувчилари учун ҳам қайта ишловчи савдо ва сервис корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини тайёрловчи заводлар учун ҳам манфаат келтиради, стратегик қарашда маркетинг сиёсатини тўғри танлаш ва

шакллантириш учун шароит яратади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги етарли даражада эмаслигининг асосий сабаби менежмент даражасининг пастлиги ва ишлаб чиқариш фондларининг ўта юқори даражада эскирганлигидир. Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта корхоналари кластерини барпо қилишнинг вазифаларидан бири рақобат муҳити, бозор талабининг тўхтовсиз ўзгариб туришига мослашиш ҳамда мамлакат минтақалари бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилувчиларни бозорда ҳукмронлигини пасайтиришдир. Кластерларни барпо қилиш янги хусусиятга эга бўлган янги товарлар ишлаб чиқаришга (хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари) кўмаклашиши мумкин. Кластерга бирлаштирилган кичик корхоналар ўзларининг рақобатбардошлигини таъминлаши эса товар бозорида ўзини ижобий томондан кўрсатишни кучайтиради. Ривожланган бозор мамлакатларида иқтисодий манфаатларни мос келишлиги асосида товар бозорларида бир турдаги ишлаб чиқаришга эга бўлган корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида тузилган. Ҳар қандай мамлакатни катта ҳажмли товар бозорларига озиқ-овқат бозори киради. Бу, кластерларни фаол ривожлантиришни тақозо қилади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасида кичик ва ўрта бизнес кластерлари ишлаб чиқаришни табиий интеграцияси ҳамда кооперацияси натижасида ўз-ўзини ташкиллаш асосида, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятлар ёрдамида тузилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки етиштирувчилари - воситачиларнинг юқори устамалари ва сотилаётган маҳсулотларга савдо ташкилотларининг устамаларидан манфаатдор эмаслигидир. Бу, қуйидаги сабабларга кўра: маҳсулотга баҳонинг ошириши бозорда унга бўлган талабнинг пасайишига олиб келади, бу эса эртами-кеч кўп ишлаб чиқаришга олиб келиши мумкин; юқори воситачилик устамалари ва савдо ташкилотларининг товар устига ортқача қўйган устамалари қайта тақсимлаш жараёнлари натижасида бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари фойдасини камайтиради. Қайд қилинган омиллар қишлоқ хўжалиги корхоналарини кластерга киришдан манфаатдорлигини оширади. Шу муносабат билан кластерларни ташкиллашни жадаллаштиришни минтақа ва маҳаллий тузилмалар маъмуриятлари амалга оширишлари мумкин. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни маконда жойлаштириш ва ихтисослаштиришни ҳисобга олиб, кластерларни шакллантириш прогнозларини тузишлари ва тадбиркорлар ўртасида алоқаларни ўрнатишлари мумкин. Бундай ташкилий иш,

шунингдек, кластернинг эҳтимолли иштирокчилари ўртасида ишончнинг келиб чиқишига кўмаклашиши эҳтимоли юқори. Бошланғич даврда кластер тузишнинг энг мураккаб муаммоси унинг активларини шакллантириш бўйича тадбиркорлар ўртасида келишувга эришишдир. Кластерлар тузишнинг иқтисодий манфаатдорликка асосланганлиги бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади ва у қуйидагиларда намоён бўлади: товар бозорида ягона баҳо сиёсати олиб бориш, иштирокчилар томонидан товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, ягона маркетинг сиёсатини амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни товар бозорларида сотишни интеграциялаш ва кооперациялаш натижасида инновацион технологияларни жорий қилиш. Мамлакат минтақаларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кластерлаштириш минтақалар ихтисослашуви ва жараён менежментини, хусусан, жараён менежментини жорий қилиш билан боғлиқ.

Менежмент жараёни бошқарув соҳасида касбий жиҳатдан яхши тайёрланган мутахассислар билан таъминланиши лозим, улар ташкилотни шакллантиради ва унинг олдига мақсад қўйиш ва уларга эришиш режаларини ишлаб чиқариш йўли билан бошқаришни амалга оширадилар. Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий элементлари қуйидагилар бўлиши керак: товар ишлаб чиқарувчиларни кредит ресурсларини осон қўлга киритишларини таъминлаш, агросаноат мажмуаси тизимида фаолият турларини тўлиқ бириктириш рақобатда афзалликни ва барқарорликни таъминлайди. Айтиш жоизки, информацион ахборот инқилоби рақобатга уч усул орқали сезиларли таъсир ўтказди: тармоқ тузилмасини ўзгартиради ва

рақобатнинг янги қоидаларини ўрнатади; унумдорликда компанияларга рақобатчилардан ўзиб кетиш учун янги имкониятлар ярата туриб, рақобатда афзалликни барпо қилади; кўпинча фаолият кўрсатаётган компания асосидаги жараёнлар ва муолажаларга таяниб туриб, бизнеснинг тамомила янги турини келтириб чиқаради; бизнес жараёнларини, хусусан, қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкиллаш ҳисобига ўзгаришлар йўналишлари ва тартибини белгилаб беради. Ахборот технологияларидаги ютуқлар тармоқ тузилмасини ўзгартиради. Янги асосда кадрлар малакасини оширишга кўмаклашади. Ахборот технологияларини бошқариш маҳаллий тузилмалар маъмуриятининг барча бўлинмаларига тааллуқли. Қишлоқ хўжалиги корхоналари рақобатбардошлигини оширишга кластерли ёндашув бошқаришнинг ҳудудий ва тармоқлараро принципларининг алоҳида комбинациялашувидир. Қишлоқ хўжалиги кластерларида рақобат ва кооперациянинг мураккаб комбинацияси шаклланади. Минтақавий бозорда қишлоқ хўжалиги бозорлари тармоқ ва рақобатнинг ягона агенти сифатида иштирок этади. Бу, уларга глобал рақобатнинг ҳалокатли тенденциясига қарши туриш имкониятини беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кластерларида иштирок этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига янги технологияларни қўлга киритиш, иш услубини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб беришни амалга ошириш имкониятларида афзаллик яратади. Кластерга кирган қишлоқ хўжалиги корхоналарини рақобатда афзалликларини шакллантириш учун бозор доирасида ўзгаришларга тез эътибор бериш қобилияти муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. “Ҳаракатлар стратегияси”// <http://daryo.uz>, 07.02.2017.
2. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран // пер с.англ. – М.:Международные отношения, 1993.
3. Калюжнова Н. Я. Конкурентоспособность российских регионов в условиях глобализации. –М.:ТЕИС, 2003
4. Marshal A. Principles of Economics. Variorum edition overseen be C.Guillebaud. L.: McMillanPress, 1961.
5. Кластер – рақобатни кучайтирувчи омил // www.biznes-daily.uz, 20.07.2017.

(Тақризчи: М.Адхамов – иқтисод фанлари доктори, профессор)